

## Ким сизга яхшилик қилса, мукофотини беринглар



18:00 / 10.01.2023 2907

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким сиздан Аллоҳ номи билан паноҳ сўраса, паноҳ беринглар. Ким сиздан Аллоҳ номи билан (бирор нарса) сўраса, сўраганини беринглар. Ким сизни даъват қилса, ижобат қилинглар. Ким сизга яхшилик қилса, мукофотини беринглар. Агар уни мукофотлайдиган нарса топа олмасангиз, то «уни қилганига яраша мукофотладим» дегунингизча ҳаққиға дуо қилинг», дедилар».

***Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.***